

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.01.2020.P.26.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУЛЛАЕВА ДИЛБАР УБАЙДУЛЛАЕВНА

ОНА ВА ЎСМИР ФАРЗАНД МУНОСАБАТЛАРИДА
ИЖОБИЙ МУҲИТНИ ТАЪМИНЛАШДА ТАСАВВУРЛАР
ПСИХОКОРРЕКЦИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ

19.00.05 – Ижтимоий психология. Этнопсихология

ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ(PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

**Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
психологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
psychological sciences**

Абдуллаева Дилбар Убайдуллаевна

Она ва ўсмир фарзанд муносабатларида ижобий муҳитни таъминлашда
тасаввурлар психокоррекциясидан фойдаланиш.....5

Абдуллаева Дилбар Убайдуллаевна

Психокоррекция представлений в обеспечении положительного климата во
взаимоотношениях матери и подростка23

Abdullaeva Dilbar Ubaydullaevna

The use of psychocorrection imaginations in ensuring the positive climate in
relations between mother and her adolescent child.....45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....50

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.01.2020.P.26.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУЛЛАЕВА ДИЛБАР УБАЙДУЛЛАЕВНА

ОНА ВА ЎСМИР ФАРЗАНД МУНОСАБАТЛАРИДА
ИЖОБИЙ МУХИТНИ ТАЪМИНЛАШДА ТАСАВВУРЛАР
ПСИХОКОРРЕКЦИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ

19.00.05 – Ижтимоий психология. Этнопсихология

ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида
B2019.3.PhD/P129 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетига бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-
саҳифасида (www.tdpu.uz) ва "Ziyonet" Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz)
жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Нишанова Замира Таскараевна
психология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Эргашев Пулат Собирович
психология фанлари доктори, доцент

Душанов Рустам Хўжахонович
психология фанлари номзоди, доцент


Етакчи ташкилот:

Қарши давлат университети

Диссертация химояси Тошкент давлат педагогика университети хузуридаги
DSc.03/30.01.2020.P.26.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «24» декабри куни
соат 11.00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани,
Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (+99871) 276-82-32; факс: (+99871) 276-76-51; e-mail:
tdpu_kengash@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс
марказида танишиш мумкин (1389 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100185,
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (+99871) 276-82-32).

Диссертация автореферати 2020 йил «19» декабри куни тарқатилди.
(2020 йил «19» декабр даги _____ рақамли реестр баённомаси).



Ғ.Б.Шоумаров
илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш раиси, психол.ф.д., профессор

Х.А.Кадирова
илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш илмий котиби, психол.ф.н.,
доцент

В.М.Каримова
илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси психол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ота-она ва фарзанд ўртасидаги муносабатларда соғлом муҳитни таъминлаш, ота-оналарда болани ҳиссий-эмоционал қабул қилишга, уни психологик қўллаб-қувватлашга асосланган мулоқот кўникмаларини ривожлантириш учун кенг кўламдаги дастурий чора-тадбирлар тадбиқ этилган. Жумладан, Халқаро болаларни ҳимоя қилиш жамғармаси ЮНИСЕФ охириги йилларда жаҳоннинг кўпчилик мамлакатларида “Яхши ота-она бўлишни ўрганамиз” дастурини рўёбга чиқариб келмоқда, умуман, Бирлашган миллатлар ташкилоти томонидан дунё давлатлари билан истикболли ҳамкорлик режаларини тузишда айнан оилага ижтимоий хизмат тизимини ривожлантириш масалалари бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Жаҳон илмий тадқиқот муассасалари ва марказларида оилавий муносабатлар масалаларини такомиллаштириш, ота-она билан муносабатдаги салбий ҳолатда бола агрессивлигини олдини олиш, она-бола муносабатларини коррекция қилиш, фарзандини ёлғиз тарбия қилувчи оналарнинг фарзандлар билан муносабатини ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, бу тадқиқотларда анъанавий оила ва оиланинг янгича кўринишлари ўртасидаги тафовутлар, оила мустаҳкамлиги болалар билан муносабатда қандай акс этиши, оилада ва оиладан ташқари ижтимоийлашув хусусиятлари, касбий фаолият ҳамда оилавий муносабатларни интеграция қилиш имкониятлари, кўп бўғинли ва нуклеар оилаларда ўзаро муносабат, оила билан давлат ва жамоат ташкилотлари алоқасини такомиллаштириш масалаларини ўрганишга эътибор берилмоқда.

Республикамизда оила институтини мустаҳкамлаш, “Фаровон оила – жамият равақининг асоси” концептуал ғоясини рўёбга чиқариш, оила институтини қўллаб-қувватлаш, ота-она ва фарзанд муносабатларини яхшилаш, ёшларни оила қуриш, фарзанд тарбиялашга психологик тайёрлаш масалаларини такомиллаштиришнинг меъёрий асослари яратилди. Жумладан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга оид давлат дастурида ҳам ота-оналарнинг педагогик маданиятини, фарзанд тарбияси борасидаги бурч ва масъулиятини ошириш устувор вазифалар сифатида белгилаб берилган¹. Натижада ота-она ва фарзандлар мулоқотини белгиловчи омилларни аниқлаш, уларнинг турли хил нисбатда ҳосил қиладиган таъсир эффектларини текшириш, уларни назорат қилиш ва прогнозлаш имкониятларини кўрсатиш йўналишларида илмий изланишларни чуқурлаштиришга имкониятлар яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги ПҚ-3808-сон “Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2020 йил 18 февралдаги ПҚ-4602-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ПФ-4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017. – 6 (766)-сон. – Б.140.

сон “Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда 2018 йил 2 февралдаги ПФ-5325-сон “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонидаги замонавий намунали оиланинг мезонларини белгилаш учун ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабатларни таҳлил қилиш, ибратли ота-оналик кўникмаларини шакллантириш бўйича иш самарасини ошириш вазифаларини бажаришга мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Диссертация Фан ва технологиялар бўйича Республика кенгаши томонидан тасдиқланган илм-фан ва технологияларнинг I.“Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ота-она ва фарзанд муносабатлари муаммолари ўзбекистонлик ва хорижий изланувчиларнинг кўплаб тадқиқотлари предмети бўлган. Мамлакатимизда бу йўналишда В.М.Каримова, Ғ.Б.Шоумаров, Р.И.Суннатова, Т.Г.Ядгарова, У.С.Сарибаева, М.С.Салаева, Ғ.А.Қурбанова, Ғ.В.Хрульнова, Х.К.Каримов, Ф.Р.Рўзиқулов, О.А.Абдусатторова, Р.Н.Хикматуллаева, М.Х.Файзиева, Ў.Б.Шамсиевларнинг илмий изланишларида ёшларнинг оилавий ҳаётга психологик тайёрлиги, эр-хотин муносабатларида низолар ва уларнинг оила муҳитига, фарзандлар психик ривожланишига таъсири, оиладаги шахслараро муносабатлар билан боғлиқ муаммолар, нотўлиқ оилаларда бола тарбияси, оилада устувор бўлган эр-хотин муносабатлари ўсмир фарзандларда жинсий идентификация шаклланишига таъсир кўрсатиш хусусиятлари, ўзбек оилаларида ота-она ва фарзанд муносабатларига хос бўлган этнопсихологик хусусиятларни аниқлаш, оилада шахслараро муносабатлар фарзанд ижтимоий перцептив жараёнларига таъсири, турли таркибли оилаларда болаларнинг ижтимоийлашуви ўрганилган.

Россиялик тадқиқотчилар орасида И.Н.Кириленко, И.Н.Рахманина, М.В.Яремчук, О.П.Макушина, Л.Ф.Фомичева, В.С.Собкин, О.В.Ткаченко, А.В.Федюнина, К.Н.Белогай, С.С.Жигалин, И.М.Марковская, Е.Е.Ромицина, С.М.Яцишин, М.И.Христофорова, М.В.Булигина, А.А.Вороновалар томонидан ота-она билан муносабатдаги салбий ҳолатлар бола психик ривожланишига таъсири, оилада ўзаро муносабатлар таркибий тузилиши ва ёш динамикаси, ушбу муносабатларнинг болалар катта бўлганда қандай шахс хусусиятларига эга бўлишидаги роли, муносабатлардаги бузилишларни коррекция қилиш имкониятлари, онанинг ўсмир фарзанд билан муносабат хусусиятлари, хусусан, махсус ёрдамга мухтож бўлган (гиёҳванд моддаларга тобе, соматик, неврологик патологияга эга) ўсмирларнинг она билан муносабатлари, фарзандини ёлғиз тарбия қилувчи оналарнинг ўсмир фарзанди билан муносабатига хос хусусиятлар ўрганилган.

Узоқ хорижлик мутахассислардан Д.Крайг, М.Кле, D.E.Szwedo, A.Y.Mikami, J.P.Allen, K.K.West, B.L.Mathews, K.A.Kerns, M.H.Mallors, S.T.Charles, Sh.D.Neupert, D.M.Almeida томонидан она-бола муносабатларининг ота-бола муносабатларидан фарқи, болалар хулқ-атворида девиацияларнинг пайдо бўлишига оила муҳитининг таъсири, ота-она билан бўлган муносабат боланинг мактабдаги ўзлаштириш ва ақлий ривожланишига, ижтимоий малакалари шаклланишига, келгусида оила куришига ва ўзининг фарзандларига бўлган муносабатида қандай акс этиши чуқур тадқиқ этилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертацион тадқиқот Тошкент давлат педагогика университети илмий тадқиқот ишлари режасига киритилган ПЗ-20170923121-рақамли - “Шахс тарбиясида миллий хусусиятларни тадқиқ этишнинг методологик асосларини такомиллаштириш” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади она ва ўсмир фарзанд муносабатларини соғломлаштиришда тасаввурлар психокоррекциясидан фойдаланишнинг амалий имкониятларини эмпирик жиҳатдан тадқиқ этиш ҳамда оналарда бола билан самарали мулоқот кўникмаларини ривожлантириш воситаларини тақлиф этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

она ва ўсмир фарзанд муносабатларининг ўзига хос жиҳатларини чуқур англаш, уларда ўзи ҳақида, ўзаро таъсирлашувнинг турли жиҳатлари тўғрисида шаклланган тасаввурларни таҳлил этиш;

онанинг ўз ижтимоий роллари нуқтаи назаридан ўзини идрок қилиш хусусиятлари унинг ўсмир фарзанд билан бўлган муносабатида акс этишини эмпирик текшириш;

аёлларнинг она сифатида ўзи ҳақида ҳамда “идеал она” тўғрисидаги тасаввурларида мавжуд ўхшашлик ва тафовут болага муносабат услубига таъсир этиш хусусиятларини аниқлаш;

онага ўсмир фарзанд муносабатларида эмоционал яқинлик даражасини ифодаловчи аниқ мезонларнинг тартиблашган шкаласини ажратиш ва унинг асосида улар ўртасидаги ўзаро таъсирлашув тизимини таҳлил этиш;

“она-ўсмир фарзанд” тизимидаги муносабатларни коррекциялаш бўйича услубий воситаларнинг самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти она ва ўсмир муносабатларида ижобий муҳитни таъминлашда тасаввурлар психокоррекциясидан фойдаланиш жараёни бўлиб, Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги 118-сонли, Қўқон шаҳридаги 23-сонли, Наманган вилояти Мингбулоқ туманидаги 37-сонли умумий ўрта таълим мактаби ўсмир ёшидаги ўқувчилари (жами 239 нафар) ҳамда уларнинг оналари (жами 239 нафар)да ўрганилди.

Тадқиқотнинг предмети она ва ўсмир муносабатлари мазмуни ҳамда улардаги тасаввурларнинг ўзаро алоқадорлиги хусусиятларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда “Ота-она муносабати сўровномаси” (А.Я.Варга, В.В.Столин), “Ўсмирлар ота-оналар ҳақида сўровномаси” (Э.С.Шефер), “Интерперсонал диагностика сўровномаси” (Т.Лири), “Аёлларнинг ўз ижтимоий роллари ҳақидаги тасаввурларини ўрганиш шкаласи” (диссертант муаллифлик ишланмаси), “Ўқувчининг ижтимоий-психологик алоқалари таҳлили” (Н.И.Шевандрин бўйича) методикаларидан фойдаланилди. Математик статистика методлари (фоизли таҳлил, Студентнинг t-мезони, Р.Фишернинг F-мезони, Манн-Уитни U-мезони, К.Пирсоннинг r-корреляция коэффициентини ҳисоблаш методлари)дан тадқиқотда олинган эмпирик материалларни қайта ишлаш ва уларнинг статистик аҳамиятлилик даражасини аниқлаш учун фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

онанинг ўсмир фарзандга бўлган муносабатига аёл ижтимоий роллари ҳақида шаклланган тасаввурларнинг таъсир кўрсатиш хусусиятлари ижтимоий тасаввурлар концепцияси асосида аниқлаштирилган;

ўсмир фарзанд билан бўлган муносабатларда аёлнинг она сифатида ўзи ҳақидаги ва идеал она тўғрисидаги тасаввурларида мавжуд тафовутнинг акс этиши даражаси эмпирик жиҳатдан аниқланган;

она ва ўсмир фарзанднинг ўзаро муносабат ҳақидаги тасаввурларида мавжуд мутаносиблик кўрсаткичлари улар ўртасидаги таъсирлашув жараёнида устувор бўлган ёндашувлар (ижобий қизиқиш, директивлик, душманлик, автономлик, бекарорлик хусусиятлари)ни белгилаб бериши аниқланган;

оналарда ўсмир фарзанд билан мулоқот кўникмаларини ривожлантириш усуллари психокоррекцион тренинг воситасида рефлексия, идентификация ва проекция механизмларини фаоллаштириш орқали такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

она ва ўсмир фарзанд муносабатларининг модаллиги (эмоционал йўналиши) ҳамда мазмунини белгилаб берувчи базавий (таянч) психологик омилнинг амалий ифодаси хусусиятлари аниқлаштирилган;

оналарнинг аёл сифатида ўзи ҳақидаги ижтимоий-психологик (ижтимоий роллари ҳақидаги) тасаввурларини илмий-амалий мақсадларда текширишнинг психодиагностик воситаси ишлаб чиқилган;

оилавий муносабатлар коррекцияси учун мўлжалланган, айни вақтда умуман, шахслараро муносабатлар учун аҳамиятли ижтимоий-психологик компетентликни ривожлантиришга хизмат қиладиган, самарадорлиги илмий текширилган тренинг дастури таклиф этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги унда илмий жиҳатдан асосланган, оила психологияси йўналишида амалиётчи мутахассислар томонидан кенг қўлланувчи методик воситалар, математик-статистиканинг турли даражадаги (бирламчи ва юқори даражалардаги) методлари комплекс қўллангани; респондентлар танланма тўпламининг ҳажми ижтимоий психологик тадқиқотларда тавсия этилган чегараларда бўлгани; илмий-назарий таҳлил, натижалар шарҳида ишончли

манбаларга асосланганлик; асосий ҳолатлар кенг илмий жамоатчилик ўртасида муҳокама қилингани билан таъминланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижалари “она - бола” тизимидаги муносабатларнинг психологик асослари, шахслараро муносабатларда когнитив компонент аҳамияти ҳақидаги илмий тасаввурларни тўлдиради, унда кўрсатилган муаммо ҳамда уни ечиш учун таклиф этилган ёндашув оила психологияси соҳасидаги илмий изланишлар, хусусан, оилавий муносабатлар психологияси бўйича илмий изланишларни ривожлантириш бўйича истиқболли йўналишни очиб беради.

Диссертацион тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган психодиагностика воситасидан қизларни оналикка психологик тайёрлашда, улар билан олиб бориладиган маърифий-психологик ишлар йўналишини аниқлаштиришда, самарадорлиги илмий асосланган тренинг дастуридан “она-ўсмир фарзанд” муносабатлари психокоррекциясида, тўпланган материал ва натижалардан ёш даврлари психологияси, ижтимоий психология, шахс психологияси, оила психологияси, психологик маслаҳат ва психокоррекция ўқув фанлари бўйича маъруза ва амалий машғулотлар ўтказишда амалий фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Она ва ўсмир фарзанд муносабатларида ижобий муҳитни таъминлашда тасаввурлар психокоррекциясида фойдаланиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

онанинг ўсмир фарзандга бўлган муносабатига аёл ижтимоий роллари ҳақида шаклланган тасаввурларнинг таъсир кўрсатиш хусусиятлари ижтимоий тасаввурлар концепцияси асосида аниқлаштирилиши орқали шакллантирилган таклифлар Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги “Психология” ўқув-илмий марказининг 2020 йил 13 майдаги 5-сонли буйруғига асосан “Онтогенез психологияси ва дифференциал психология” модулига (Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги “Психология” ўқув-илмий марказининг 2020 йил 13 майдаги П-М-5а-сонли маълумотномаси) ҳамда “Ривожланиш психологияси. Педагогик психология” дарслиги мазмунига (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 27 мартдаги 274-сонли буйруғига асосан № 274-295 Гувоҳнома) киритилган. Мазкур таклифларнинг жорий этилиши натижасида бўлажак педагог-психологлар, оилага психологик хизмат кўрсатишга тайёрланувчи амалиётчи психолог мутахассисларнинг касбий тайёргарлик даражасини ошириш соҳасида сифат жиҳатдан ўсишга эришилган;

ўсмир фарзанд билан бўлган муносабатларда аёлнинг она сифатида ўзи ҳақидаги ва идеал она тўғрисидаги тасаввурларида мавжуд тафовутнинг акс этиши даражасини эмпирик жиҳатдан аниқланган натижалари Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги “Психология” ўқув-илмий марказининг 2020 йил 13 майдаги 5-сонли буйруғига асосан “Оила психологияси” модулига киритилган (Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги “Психология” ўқув-илмий марказининг 2020 йил 13 майдаги П-М-5а-сонли маълумотномаси). Мазкур эмпирик кўрсаткичлардан ўқув жараёнида фойдаланиш натижасида бўлғуси педагог-

психолог ва амалиётчи психологларга оила психологиясини ўқитишда услубий таъминот такомиллаштирилган ҳамда назария ва амалиёт узвийлиги кучайтирилган;

она ва ўсмир фарзанднинг ўзаро муносабат ҳақидаги тасаввурларида мавжуд муносиблик кўрсаткичлари улар ўртасидаги таъсирлашув жараёнида устувор бўлган ёндашувлар (ижобий қизиқиш, директивлик, душманлик, автономлик, беқарорлик хусусиятлари)ни белгилаб бериши юзасидан аниқланган маълумотларга таянувчи тавсиялар Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги “Психология” ўқув-илмий марказининг 2020 йил 13 майдаги 5-сонли буйруғига асосан “Умумий психодиагностика” модулига киритилган (Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги “Психология” ўқув-илмий марказининг 2020 йил 13 майдаги П-М-5а-сонли маълумотномаси). Мазкур тавсияларнинг илмий-педагогик жараёнга татбиқ этилиши натижасида шахсни ижтимоий-психологик жиҳатдан ўрганиш, унинг шахслараро муносабатлари тизимини илмий баҳолаш, объектив тавсифлаш имкониятлари оширилган;

оналарда ўсмир фарзанд билан мулоқот кўникмаларини ривожлантириш усуллари психокоррекцион тренинг воситасида рефлексия, идентификация ва проекция механизмларини фаоллаштириш орқали такомиллаштиришга доир тақлифлар Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги “Психология” ўқув-илмий марказининг 2020 йил 13 майдаги 5-сонли буйруғига асосан “Ижтимоий психологик тренинг” модулига киритилган (Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги “Психология” ўқув-илмий марказининг 2020 йил 13 майдаги П-М-5а-сонли маълумотномаси). Мазкур дастурий тақлифларнинг амалиётга жорий этилиши натижасида психолог кадрларнинг оилага психологик хизмат кўрсатиш, оилада ижтимоий соғлом муҳитни шакллантириш учун зарур илмий-амалий ҳамда услубий тайёргарлиги такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг синовдан ўтказилиши. Диссертациянинг асосий натижалари 4 халқаро ва 12 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.

Илмий тадқиқот юзасидан жами 35 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола (шу жумладан, 3 та илмий мақола республика журналларида, 3 та илмий мақола хорижий журналларда), 16 та маъруза тезис (шу жумладан, 12 та маъруза тезиси республика, 4 та маъруза тезиси хорижий илмий анжуман материаллари тўпламида) нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, 3 боб, хулосалар, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, мақсади ва вазифалари белгиланган, тадқиқот методлари, объекти ва предмети кўрсатилган, унинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотда олинган натижаларнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, назарий ва амалий аҳамияти, ишончлилигининг асосланиши, уларнинг амалиётда тадбиқ этилиши, апробациядан ўтказилиши, илмий нашрларда эълон қилинганлиги, диссертацион тадқиқотнинг тузилишига оид маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Она ва бола муносабатлари психологик тадқиқот соҳаси сифатида”** деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси йўналишида хорижий ва ўзбекистонлик тадқиқотчиларнинг илмий изланишлари таҳлил этилган, ота-она ва фарзанд муносабатлари муаммосини ўрганиш соҳасида замонавий психология фанида тўпланган тажрибалар умумлаштирилган, илмий тадқиқотнинг методологик асослари белгиланган, шунингдек, буюк Шарқ алломаларининг мазкур масалага доир қарашлари ёритилган. Шарҳланган материалларга таянилган ҳолда диссертация ишининг мазкур қисмида оилавий муносабатлар муаммолари қадимдан илм-фан учун алоҳида қизиқиш уйғотган мавзу бўлишига қарамай, замонавий тадқиқотлар доирасида индивидуал ва ижтимоий тасаввурлар, уларнинг турлича оилавий муҳит шароитида, ҳар хил тоифа оналар ва болаларда вужудга келиши ҳамда ифодаланиши тадқиқот предмети сифатида кўрилган бўлса-да, бундай тасаввурларнинг она ва фарзанд ўзаро муносабатлари жараёнида тутган ўрни махсус ўрганилмагани юзасидан умумий хулосалар чиқарилган.

Диссертациянинг **“Она тасаввурларининг ўсмир фарзанд билан бўлган муносабатга таъсир кўрсатиш хусусиятлари”** деб номланган иккинчи бобида ота-она ва фарзанд муносабатлари хусусиятларини ўрганишнинг илмий-методик жиҳатлари таҳлил этилган, онанинг аёл ижтимоий роллари ҳақидаги тасаввурлари фарзандга муносабатни белгиловчи омил сифатида намоён бўлиши, аёлнинг она сифатида ўзи ҳақидаги тасаввурлари ва унга ўсмир фарзанд муносабатининг алоқадорлик хусусиятларини эмпирик ўрганиш натижалари келтирилган. Жумладан, эмпирик тадқиқот аёлларнинг ўз ижтимоий роллари ҳақидаги тасаввурлари билан уларнинг ўсмир фарзандига нисбатан намоён этувчи муносабати ўртасида алоқа-боғланишлар мавжудлигини қайд этиш учун асос бўлди (1-жадвалга қаранг).

Тадқиқотда эришилган натижалар таҳлилидан, аёл кишининг устувор ижтимоий роллари ҳақидаги тасаввурларига кўра фарқланувчи оналар ўз ўсмир фарзандларига бўлган муносабати мезони бўйича дифференциал кўрсаткичларга эга эканлиги аниқланди. Хусусан, аёлнинг ижтимоий ролларини кўпроқ “уй бекаси” роли билан чегараланган ҳолда тасаввур қилишга мойил аёллар, ўсмир фарзандига муносабатида симбиоз-ҳаддан ташқари боғланиб қолиш (32,8 % аёлда) ҳамда инфантилизация-ёш боладек

муносабатда бўлиш (31,1% аёлда) услубига мойилликлари (ихтиёр беришга интилиши) қайд этилди. Аёл ижтимоий роллари ҳақидаги тасаввурларида унинг ижтимоий фаоллигига ҳам салмоқли ўрин берадиган аёллар фарзандига нисбатан муносабатда кооперация-ҳамкорлик қилиш (33,3 % аёлда) ҳамда авторитаризм-ўз устунлигини намоён этиш (37,5 % аёлда) хусусиятларини ўз ичига олган муносабат услубини маъқул кўришлари кузатилди.

1-жадвал.

Аёлларга хос ижтимоий роллар ҳақидаги тасаввур бўйича фарқланувчи оналарнинг ўсмир фарзандга муносабат хусусиятига кўра нисбати (% ҳисобида)

№	Аёл ижтимоий роллари ҳақидаги тасаввур бўйича фарқланувчи шартли гуруҳлар	Фарзандга муносабат хусусиятлари:				
		қабул қилиш - рад этиш	кооперация	Симбиоз	авторитаризм	инфантилизация
1	Аёлни кўпроқ “уй бекаси” ролида тасаввур қилувчи оналар (n ₁ = 68)	13,1 %	8,3 %	32,8 %	14,7 %	31,1%
2	Аёлни “ижтимоий фаол аёл” ролида тасаввур қилувчи оналар(n ₂ = 44)	12,5 %	33,3 %	8,35 %	37,5 %	8,35%

Аёл кишининг ижтимоий роллари хусусида эга бўлган тасаввурларида тафовут қайд этилган икки шартли гуруҳга кирувчи оналарнинг фарзандга муносабат кўрсаткичларида аниқланган фарқнинг статистик аҳамият даражасини текшириш амалиёти ҳам ўртадаги дифференциация аҳамиятли даражада эканини кўрсатди (2-жадвалга қаранг).

Иккинчи жадвалда келтирилган кўрсаткичлар ижтимоий-психологик сўровда аниқланган икки шартли гуруҳдаги оналарнинг тегишли муносабат услублари бўйича кўрсаткичлари ўртасида аниқланган фарқлар статистик аҳамиятли эканини тасдиқламоқда. Бу ҳолат статистик ҳисобнинг юқори даражасида текширилган аниқлик билан икки шартли гуруҳ – аёлларни асосан “уй бекаси” ролида ҳамда “ижтимоий фаол аёл” ролида тасаввур қилувчи оналар - фарзандга бўлган муносабатда муайян хусусиятларнинг устуворлиги бўйича бир-биридан фарқланувчи ўзига хос мустақил психологик типларга ажратилиши мумкинлигини исботлайди.

2-жадвал.

Аёлнинг ижтимоий роллари ҳақидаги тасаввурлари ўзаро фарқланувчи оналарнинг фарзандга муносабат хусусиятлари бўйича тафовут кўрсаткичлари (Стьюдентнинг t-мезони бўйича)

№	Фарзандга муносабат хусусиятлари	Шартли гуруҳ аъзоларининг ўртача кўрсаткичлари:		Статистик тафовут кўрсаткичлари:	
		M ₁	M ₂	t	p
1	Қабул қилиш - эмоционал рад этиш	18,23	17,41	1,39	p ≥ 0,005
2	Кооперация	2,78	5,12	3,07	p ≤ 0,001
3	Симбиоз	5,85	3,31	2,72	p ≤ 0,001
4	Авторитаризм	1,82	4,63	2,70	p ≤ 0,001
5	Инфантилизация	5,67	3,42	2,02	p ≤ 0,005

Айни вақтда икки шартли гуруҳни ташкил қилган аёлларнинг кўрсаткичларида биргина шкала – қабул қилиш-эмоционал рад этиш шкаласи бўйича аҳамиятли тафовут аниқланмади. Фикримизча, бунинг боиси ушбу шкалада акс этувчи болага интеграл эмоционал муносабат “она - фарзанд” тизимидаги ўзаро таъсирлашувнинг ўта чуқур ва нозик қирраларига, оналик меҳри, муҳаббати билан чамбарчас боғлиқ жиҳатларига алоқадор эканлигидадир.

Аёллар ва эркакларнинг “идеал ота-она” ҳақидаги тасаввурлари мазмуни психологик тадқиқотларда алоҳида ўрганилган бўлса-да, аммо бундай тасаввурлар уларга фарзандлар намоён этувчи муносабатда қандай акс этиши махсус текширилмаган. Ушбу йўналишда ташкил этилган тадқиқотда олинган маълумотлар ўрганилган тузилмалар ўртасида ўзига хос таъсирлашув қайд этилиши мумкинлигини кўрсатмоқда (3-жадвалга қаранг).

3-жадвал.

“Она сифатида мен” ва “Идеал она” образи ҳақидаги тасаввурларида манфий нисбатли оналарга ўсмир фарзанд муносабати кўрсаткичлари (ўртача қийматлар асосида)

№	Октанталарнинг устун қутблари	Онага муносабат мезонлари ва улар бўйича тақсимот кўрсаткичлари						
		1	2	3	4	5	6	7
1	Хукмронлик	0,63	0,71	1,02	0,54	0,68	1,22	0,34
2	Устуворлик	1,68	1,24	1,33	0,61	1,72	1,84	1,78
3	Тажовузкорлик	0,31	0,43	0,41	0,25	0,48	1,32	0,37
4	Скептиклик	1,39	0,45	0,54	0,23	0,51	0,41	0,25
5	Итоаткорлик	0,83	1,37	1,21	1,35	1,54	0,29	0,32
6	Бўйсунувчанлик	0,22	0,31	0,40	1,72	0,38	0,41	0,44
7	Конвенциаллик	1,89	1,21	1,04	1,78	1,91	1,64	0,42
8	Бағрикенглик	1,92	1,74	1,83	1,94	1,97	1,03	1,32

Изоҳ. Онага муносабат мезонлари: 1 - маслаҳатлашаман, 2 - фикрини қадрлайман, 3 - ишонсам бўлади, 4 - тушунишига ишонаман, 5 - ёрдам беришига ишонаман, 6 - ҳимоя қилишига ишонаман, 7 - тақлид қилишни хоҳлайман.

Учинчи жадвалда келтирилган микдорий кўрсаткичлар “хукмронлик”, “тажовузкорлик”, “бўйсунувчанлик” октанталарига оид хусусиятларни ўзида идеал онадан юқори баҳоловчи оналарнинг фарзандлари улар билан маслаҳатлашиш даражаси паст (0,63), (0,31), (0,22) экани қайд этилган.

Маслаҳатлашиш истагини ўсмирлар кўпроқ “устуворлик”, “скептиклик” (ишончсизлик билан муносабатда бўлиш), “конвенциаллик” (келишувчи, дўстона муносабатни бўрттириб намоён этишга интилиш) ва “бағрикенглик” хусусиятлари билан ажралиб турувчи оналарга нисбатан билдиришган. Бироқ “устуворлик” сифатига эга она билан маслаҳатлашишга мойиллик билдирувчи ўсмирлар (1,68) она уларни тушунишига унча ишонмайди (0,61).

“Скептиклик” устун оналар вазиятида ўсмир фарзанд билан маслаҳатлашишга интилиш юқори (1,39), аммо фикрини қадрлаш суств (0,45), тушунишига ишонмайди (0,23). Худди шунингдек “скептиклик” сифати юқори оналарнинг фарзандлари улар билан маслаҳат қилишга тайёрлиги, аммо фикрларини эътиборга олишга шошилмаслиги, маслаҳат шунчаки ўта шубҳаланувчи онанинг бундай муносабатини сусайтириш воситаси эканини тахмин қилишга ундайди. Фақат “конвенциаллик” ва “бағрикенглик” (ўта юмшоқ кўнгиллик, намоёишкорона альтруизм) сифатлари устун оналар билан ўсмир фарзандлар ҳам маслаҳатлашиши, ҳам фикрини қадрлаши ва тушунишига ишонишлари аниқланди.

“Бағрикенглик” сифатидан ташқари “итоаткорлик” хусусиятига эга оналарнинг фикрини ўсмирлар қадрлашларини (1,37) билдирганлар, аммо уларнинг болани ҳимоялашга қодирлигига ишончсизлик билан қарайдилар (0,29). Ўзида “бағрикенглик” сифатини қайд этган оналарнинг фарзандлари уларга юқори даражада ишонишини билдирган, бироқ бундай сифатли оналарнинг ҳимоя қилишга қодирлигини ўсмирлар деярли “баъзида” деган жавоб билан (1,03) кўрсатганлар. Онасининг ҳимоялашга қодир бўлишини “скептиклик” ва “бўйсунувчанлик” хусусиятлари устун аёлларнинг фарзандлари шубҳа остида қолдиришган (иккала ҳолатда ўртача қиймат 0,41 га тенг).

“Хукмронлик” сифати бўйича ўзини юқори баҳолаган аёлларнинг фарзандлари ҳам онасининг ҳимоясига ишонч борасида муносабатнинг бошқа мезонларидан кўра баланд кўрсаткич (1,22) билан тавсифланади. “Устуворлик” сифати бўйича ўзини идеал онадан юқори баҳолаган аёлларнинг фарзандлари ҳимоя қилиниш имкониятига катта ишонч (1,84, яъни, деярли “доим” жавоби даражасида) билдириши диққатга сазовор.

Тажовузкорлик билан боғлиқ сифатларни ўзида нисбатан юқори баҳолаган аёлларнинг фарзандлари уларни тушуниш эҳтимолини ниҳоятда паст (0,25, яъни саккиз вазиятдан биридагина) даражада кўрадилар. Эҳтимол, ўсмирликдаги кескин адолатпарварлик ҳисси агрессив хулқ билан қарши олган одамларнинг тушунувчи муносабатини шубҳа остида қолдирар.

Тадқиқотимизнинг натижалари “Она сифатида Мен” ва “Идеал она” образларига берилган баҳоларнинг ўзаро нисбатида тафовут мусбат кутбга тегишли бўлганда, яъни, аёл ўзида “Идеал она”га хос сифатларга яқин

хусусиятларни қайд этганда ўсмир фарзанднинг унга муносабатида ҳам сифат жиҳатдан фарқ мавжуд бўлишини кўрсатди (4-жадвалга қаранг).

4-жадвал.

“Она сифатида Мен” ва “Идеал она” образи ҳақидаги тасаввурларида мусбат нисбатли оналарга ўсмир фарзанд муносабати кўрсаткичлари (ўртача қийматлар асосида)

№	Октанталарнинг устун кутблари	Онага муносабат мезонлари ва улар бўйича тақсимот кўрсаткичлари						
		1	2	3	4	5	6	7
1	Лидерлик	1,98	1,83	1,79	1,85	1,78	1,81	1,23
2	Мустақиллик	1,83	1,72	1,69	1,73	1,67	1,89	1,91
3	Дангаллик	1,05	1,64	1,75	1,78	1,81	1,75	1,56
4	Ишончсизлик	1,12	1,85	1,79	1,71	1,69	1,54	1,63
5	Тортинчоқлик	1,01	1,13	1,45	1,79	1,75	0,83	0,75
6	Боғлиқлик	0,84	0,93	1,58	1,69	0,73	0,51	0,62
7	Ҳамкорлик	1,89	1,65	1,78	1,88	1,91	1,83	1,89
8	Масъулиятлик	1,58	1,72	1,88	1,64	1,92	1,94	1,78

Изоҳ. Онага муносабат мезонлари: 1 - маслаҳатлашаман, 2 - фикрини кадрлайман, 3 - ишонсам бўлади, 4 - тушунишига ишонаман, 5 - ёрдам беришига ишонаман, 6 - ҳимоя қилишига ишонаман, 7 - тақлид қилишни хоҳлайман.


Лидерлик (доно, маслаҳатгўй мураббий, ўзига ишонган бошқарувчи) сифатини ўзида нисбий юқори баҳоловчи аёлларнинг фарзандлари улар билан маслаҳатлашишга, уларнинг фикрини эътиборга олишга, уларга ишонишга, уларнинг ёрдами ва ҳимоясига шубҳаланмасликка тайёрликни ифодалаганлар. Ўхшаш вазиятни мустақиллик, ҳамкорлик сингари сифатларини ўз назаридаги “идеал аёл” кўрсаткичларига яқин даражада қайд этган аёллар мисолида ҳам кўриш мумкин. Бироқ бошқа октанталар бўйича қатор эътиборли ҳолатлар аниқланди. Жумладан, дангаллик, чўрткесарлик, самимийлик сифатига эғалигини қайд этувчи аёлларнинг фарзандлари онаси билан маслаҳатлашиш эҳтимолини бошқа мезонларга қараганда паст (1,05, яъни деярли “баъзида” жавоби даражасида) баҳолайди. Бизнингча, бу ерда фикрни чўрткесар ва очик, лўнда ифодалашга ўрганган одамларнинг бошқаларга айрим вазиятларда ноқулай бўлишининг роли мавжуд.

Демак, аёлларнинг ўзи ҳақида она сифатида шаклланган тасаввурлари ҳамда ўсмир фарзандларнинг уларга нисбатан бўлган муносабат хусусиятлари ўртасида ўзига хос алоқадорликларни эътироф этиш учун асосларга эгамиз.

Айни вақтда ўсмир фарзанднинг очиклик ва ишончга асосланган умумий муносабати (барча мезонлар бўйича билдириладиган муносабатга нисбатан интеграл муносабати) айнан қайси хусусиятлар соҳасида она сифатида ўзи ҳақидаги тасаввурлари ўзаро фарқланувчи аёлларга фарзанд

муносабатда аҳамиятли тафовут мавжудлиги қизиқиш уйғотади. Бу ҳолатга аниқлик киритиш учун биз ҳар бир октантанинг икки қутбига тааллуқли оналарга ўсмир фарзандлар етти мезоннинг барчаси бўйича билдирган муносабатнинг умумий баҳолари ўртасидаги статистик фарқни ҳисобладик. Келтирилган натижалар ўзини она сифатида идеал онадан салбий хусусиятлар томон узоқ ва аксинча, яқин баҳоловчи аёлларга ўсмир фарзандлар билдирган муносабатдаги фарқлар барча октанталар бўйича бирдек аҳамиятли эмаслигини кўрсатмоқда (1-расмга қаранг).

Биринчи расмда кўрсатилганидек, фақат “лидерлик - ҳукмронлик”, “дангаллик - тажовузкорлик”, “тортинчоқлик - итоаткорлик”, “ҳамкорлик - конвенциаллик” октанталари бўйича натижа статистик меъёрлардан кичик (29,5/61; 58,3/72; 53,4/60; 68,2/74). Манн-Уитни статистик мезони бўйича бу ҳолат қиёсланган ўзгарувчилар гуруҳлари ўртасидаги тафовут аҳамиятли эканини тасдиқлайди. Бошқача айтганда, мазкур октанталар бўйича она сифатида ўзи ҳақидаги тасаввурлари шахсий идеал она образидан нисбий узоқ ва унга яқин оналарнинг ўсмир фарзандлари уларга бўлган муносабатда бир-биридан анча фарқли даражадаги кўрсаткичларни қайд этадилар.



1-расм. “Она сифатида мен” ва “Идеал она” образлари ҳақидаги тасаввурларида манфий ва мусбат қутб устунлиги билан ажралиб турувчи оналарга ўсмир фарзанд муносабатидаги тафовут кўрсаткичлари (Манн-Уитни мезони бўйича)

Диссертацион ишнинг “Она ва ўсмир фарзанд муносабатларига тасаввурлар даражасида психокоррекция таъсир кўрсатиш имкониятлари” номли учинчи бобида ота-она ва фарзанд муносабатлари психокоррекциясида шаклланган анъанавий ёндашувлар таҳлил этилган.

“Она - ўсмир фарзанд” муносабат тизими психокоррекциясида тасаввурларга таъсир қилиш имкониятларини эмпирик ўрганиш натижалари келтирилган, онанинг ўсмир фарзанд билан муносабатларини такомиллаштириш йўлида тасаввурлар психокоррекцияси самарадорлиги кўрсаткичлари шарҳланган.

Тадқиқотда илгари сурилган илмий ғоядан келиб чиқувчи изланиш моделига кўра, аввал ўсмирлар берган баҳога асосан Э.С.Шефер методикасининг биринчи шкаласи – болага ижобий қизиқиш даражаси асосида респондент аёлларнинг икки шартли гуруҳи – ушбу мезон бўйича боласининг юқори баҳосига ва паст баҳосига сазовор бўлган оналар гуруҳлари ажратилди. Бу ерда шуни таъкидлаш керакки, фарзанд билан бўлган муносабатда унинг ишлари, режалари, интилишларига катта қизиқиш билан қараш, умуман у билан мулоқот қилишни ёқтириш кўпроқ психологик маданияти юқори ота-она учун хослиги ҳақидаги илмий далилларга таяниб, ижобий қизиқишни “она - бола” тизимидаги муносабатда конструктив ўзаро таъсирлашувнинг нисбий устунлигини кўрсатувчи аломат сифатида қабул қилишни ўринли, деб ҳисобладик. Шунингдек, шартли гуруҳларни бир-биридан ушбу кўрсаткич бўйича яққол фарқланувчи икки ўзига хос тоифа аёлларидан шакллантириш учун фарзанд баҳосига кўра фақат меъёрдан юқори (4-5 стен) ва паст (1-2 стен) натижага эга оналарнинг кўрсаткичлари эътиборга олинди. Синалувчи оналар икки шартли гуруҳга ажратилгач, тўрт диагностик шкала бўйича уларга фарзандлари берган ҳамда улар ўзига қўйган баҳоларнинг ўзаро мувофиқлик даражаси математик статистика методлари (Стьюдент t-мезонини ҳисоблаш методи) ёрдамида текширилди. Натижаларнинг миқдорий қиёсий таҳлили, ҳақиқатдан ҳам, фарзанд нуқтаи назаридан унга нисбатан ижобий қизиқишни юқори ва суст даражада ифодаловчи оналарнинг барча шкалалар бўйича шаклланган тасаввурлари ва фарзандлар уларда қайд этувчи хусусиятлар орасидаги фарқ кўрсаткичларида тафовут турлича эканини тасдиқлади (5 ва 6-жадвалларга қаранг).


5- жадвал.

“Ижобий қизиқиш” шкаласи бўйича юқори баҳоланган оналарнинг ўз тасаввуридаги ва фарзанд назаридаги муносабати кўрсаткичларида аниқланган тафовут даражаси (Стьюдентнинг t-мезони бўйича)

№	Муносабат хусусиятлари	Баҳо манбаси		Статистик тафовут даражаси	
		она тасаввурига асосланган баҳо	фарзанд фикрига асосланган баҳо	t	p
		M ₁	M ₂		
1	Директивлик	2,6	1,8	2,04	p≥0,05
2	Душманлик	2,3	1,2	1,99	p≥0,05
3	Автономлик	2,7	1,4	2,06	p≥0,05
4	Беқарорлик	2,4	1,7	2,03	p≥0,05

Албатта, келтирилган натижаларда, аввало, диққатга сазовор жиҳат ижобий қизиқишни юқори даражасини намоён этувчи оналарга фарзандлари салбий муносабатнинг барча мезонлари бўйича паст баҳо қўйганлигидир. Бироқ психологик жиҳатдан алоҳида эътиборга лойиқ яна бир ҳолат шуки, “ижобий қизиқиш” шкаласи бўйича фарзанднинг юқори баҳосига сазовор бўлган оналарнинг болага муносабатнинг барча шкалалари бўйича тасаввурлари боланинг нуқтаи назаридан аҳамиятли даражада фарқланмайди (фарқ $p \geq 0,05$). Бошқача айтганда, боласи назарида унга нисбатан катта қизиқиш билан қарашга интилган она ўзаро муносабатнинг турли шкалалари бўйича ўзига берадиган баҳо унга фарзанд берувчи тавсифга яқиндир.

Фоииз кўрсаткичлари таҳлилидан ҳам онасининг ижобий қизиқиш даражасини юқори баҳоловчи ўсмирларнинг катта қисми бу муносабатларда директивлик, душманлик, автономлик, беқарорлик муносабатига дуч келмаслигини, аксинча, бу борада онасига паст баҳо берувчи ўсмирлар кўпроқ дуч келишини кўриш мумкин(2-расмга қаранг).



2-расм. Онасида ўзига нисбатан ижобий қизиқиш даражасини юқори (1) ва паст (2) баҳоловчи ўсмирларнинг турли шкалалар бўйича она муносабати ҳақидаги тасаввурларига кўра тақсимооти (% ҳисобида)

Фарзанд назарида, унга муносабатда ижобий қизиқишни паст даражада намоён этувчи оналарнинг натижаларида юқоридагидан сезиларли даражада фарқланувчи ҳолат қайд этилди (6-жадвалга қаранг). Бундай оналарнинг фарзандлари уларнинг директивлик, душманлик, автономлик, беқарорлик даражасини юқори баҳолаганлар. Уларнинг бу борадаги тасаввурлари бола назаридаги муносабатдан фарқланади.

Тадқиқот ишимизда ўзаро муносабат хусусиятлари ҳақида она ва ўсмир фарзанд тасаввурларининг адекватлик даражасига боғлиқ равишда ушбу

жуфтликдаги муносабат конструктивлик жиҳатидан фарқланиши мумкинлиги ўз тасдиғини топди.

б-жадвал.

“Ижобий қизиқиш” шкаласи бўйича паст баҳоланган оналарнинг ўз тасаввуридаги ва фарзанд назаридаги муносабати кўрсаткичларида аниқланган тафовут даражаси (Стъудентнинг t-мезони бўйича)

№	Муносабат хусусиятлари	Баҳо манбаси		Статистик тафовут даражаси	
		она тасаввурига асосланган баҳо	фарзанд фикрига асосланган баҳо	t	p
		M ₁	M ₂		
1	Директивлик	3,2	4,3	2,23	p≤0,05
2	Душманлик	3,1	4,6	2,14	p≤0,05
3	Автономлик	2,5	4,4	2,79	p≤0,05
4	Беқарорлик	2,2	4,7	2,83	p≤0,05


